

Молиявий ёрдам кўрсатиш дастури

Тез-тез сўраладиган саволлар

(Оддий тилда ёзилган қисқача маълумот)

Агар менда хеч қандай тиббий суғурта бўлмаса ва касалхона харажатларини тўлашга қурбим етмасачи?

Маймонидес тиббий маркази пасайтирилган нархлар асосида, кам таъминланган, Нью-Йорк шахрида истикомат килувчи, тиббий суғуртага эга бўлмаган ёки ўзларининг тиббий суғурта имтиёзларидан фойдаланиб бўлган шахсларга тиббий тарафдан зарур ва шошилинч бўлмаган хизматлар бўйича молиявий ёрдамни кўрсатади. Шошилинч тиббий хизматлар бўйича молиявий ёрдам кўрсатиши Нью-Йорк штатида яшовчи, кам таъминланган шахсларга мавжуддир. Беморлар кам таъминланган ҳисобланадилар, агар ўзларининг оиласвий даромадлари давлат томонидан белгилangan қашшоқлик даражаси фоизидан паст бўлса ва шахсий мол-мулкни текшириш талабларга жавоб берсалар.

Молиявий ёрдамни олишда лойиқлик талабларига мос келмаган ва фавқулодда тиббий харажатларга юзма-юз келганларга ҳам молиявий ёрдам ҳолатма-ҳолат, шароитидан келиб чиқсан ҳолда берилиши мумкин.

Молиявий ёрдамни қандай оламан?

Маймонидес тиббий марказининг молиявий ёрдам полиси (FAP), молиявий ёрдам олиш учун ариза шакли ва молиявий ёрдам полиси ҳақида қисқача маълумот (“Оддий тилда ёзилган қисқача маълумот”) Маймонидес тиббий марказининг белгилangan “Молиявий Ёрдам”

деб номланган (<http://www.maimonidesmed.org/main/FinancialInformation.aspx>) интернет саҳифасида мавжуд. Ушбу хужжатларнинг қофоз нусҳаларини мурожаат ёки почта орқали 983 48th Street, Brooklyn, NY, 11219 манзилида жойлашган молиявий хизматлар бўлимидан, ҳамда касалхонанинг жамоат жойларидан, шунингдек шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш бўлимидан, bemorni қабул қилиш ва bemorga хизмат кўрсатиш шахобчаларидан бепул олиш мумкин. Ушбу полис, ариза ва оддий тилда ёзилган қисқача маълумотларнинг таржималарини интернет саҳифасидан ва шу манзиллардан олиш мумкин.

Ҳамма хизматлар молиявий ёрдам орқали қопланадими?

Хизматлар тиббий тарафдан зарур ва Маймонидес тиббий маркази томонидан кўрсатилиши шарт. Молиявий ёрдам полиси қўйидаги хизматларни қопламайди:

- тиббий тарафдан зарур бўлмаган хизматлар (масалан, косметик жараёнлар);
- клиник ёки даволашга тегишли бўлмаган хизматлар (масалан, телефон, телевизор ва алоҳида хонага оид харажатлар);
- касалхона томонидан тақдим этилмаган тўлов хужжатлари (масалан, анестезия бўйича кўрсатилган хизматлар, айрим шифокорларнинг харажатлари) ва
- тиббий суғуртага эга бўлган bemorlar томонидан ўрнатилган микдорда тўланадиган тўловлар ва қисман тўланадиган тўловлар.

Қайси шифокорларнинг хизмати полис орқали қопланганлиги ҳақида маълумот олиш учун молиявий хизматлар бўлимига мурожаат қилинг.

Қандай хизматлар қопланганлигини қандай биламан?

Молиявий ёрдам олишга ариза топширганингизда, молиявий ёрдам орқали қопланадиган қандай хизматлар мавжудлиги тўғрисида маслаҳат берамиз.

Молиявий ёрдамни олиш бўйича ҳолатимни эътиборга олишлари учун нима қилишим керак?

Сиз молиявий ишлар бўйича маслаҳатчи билан гаплашишингиз шарт. Маслаҳатчи сиз билан бирга ишлаб давлат томонидан бериладиган тиббий суғуртага (масалан, Медикейд, болалар учун суғурта “Child Health Plus”, хомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш дастури) пасайтирилган нархларга ва бошқа молиявий ёрдамга лойиқ эканлигингизни аниқлади. 983 48th Street, Brooklyn, NY, 11219 манзилида жойлашган молиявий хизматлар бўлимига мурожаат қилишингизни илтимос қиласиз. Ушбу жараённи бошлаш учун 718-283-7790 телефон ракамига кўнғироқ қилинг. Руҳий саломатлик юзасидан қатнаб даволаниш бўйича 920 48th Street, Brooklyn, NY 11219 манзилида жойлашган психиатрия бўлими кассаси/рўйхатхонасига мурожаат қилинг ёки 718-283-8177 телефон ракамига кўнғироқ қилинг.

Молиявий ёрдамга лойиқманими?

Молиявий ёрдам кўрсатиш дастури оила аъзоларининг сони ва даромади, ҳамда умумий мол-мулкларини (банқдаги ҳисоб рақамлари, акциялар, облигациялар) аниқлашда давлат

Оддий тилда ёзилган қисқача маълумот (2-бет)

томонидан белгиланган қашшоқлик даражаларига асосланади. Даромади давлат томонидан белгиланган қашшоқлик даражасидан 300 % ёки ундан кам бўлган оиласлар тахминан чегирмаларга лойиқ бўладилар. Бериладиган чегирмалар миқдори, оила даромадининг давлат томонидан белгиланган қашшоқлик даражасига нисбатан аниқ фоизига (0%-30%) ва оиласлар мол-мулкни аниқлашдаги текширувга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Агар сиз молиявий ёрдамга лойиқ деб топилсангиз, одатда кўрсатилган тиббий хизматлар учун Маймонидес тиббий маркази тўлов учун кўрсатилган суммадан ортиқ равишда сиздан пул талаб қилмайди, яъни кўрсатилган тиббий хизматларга қараб, тўлов суммаси Медикэр ёки Медикейд давлат суғурталари тўлайдиган суммага асосланади.

Молиявий томондан лойиқ бўлишдан ташкари, сиз молиявий ёрдам олиш аризасига керакли бўлган ҳар қандай маълумот ёки хужжатни беришингиз, шунингдек Маймонидес тиббий марказининг молиявий ишлари бўйича ходимлари билан ҳамкорлик қилишингиз шарт.

Илтимос, яна шуни ёдда тутингки, агар сиз давлат томонидан ҳомийлаштирилган суғурта дастури (Медикейд, болалар учун суғурта “Child Health Plus”, ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш дастури) орқали ёрдам олиш хукуқига эга бўлсангиз, унда сизга пасайтирилган нархларда тиббий хизмат кўрсатилишига нолойқидирсиз.

Касалхонадан биринчи чиққан кунингизда, биз берадиган харажатларни тўлаш бўйича хужжатни олишингиздан сўнг, сиз 240 кун ичida, сизга кўрсатилган тиббий хизматлар учун

молиявий ёрдам зарур бўлса, молиявий ёрдамни сўрашингиз шарт.

Аризани кўриб чиқиши жараёнига қанча вақт кетади?

Аризани ёзиб, талаб қилинган барча хужжат ва маълумотларни берганингиздан сўнг, Маймонидес тиббий марказининг молиявий хизматлар бўлими ва руҳий саломатлик юзасидан қатнаб даволаниш хизматлари бўйича психиатрия бўлими кассаси/рўйхатхонаси маълумотларни кўриб чиқиб, 30 кун ичida қарор қабул қиладилар. Агар аризангиз бўйича жавобни кутаётган вактингизда харажатларни тўлаш бўйича хужжатни олсангиз, бу пасайтирилган нархларда сизга тиббий хизмат кўрсатилишига қилган аризангиз қабул қилинмади дегани эмас.

Аризамни тасдиқлаганларни ҳақида мен қандай биламан?

Молиявий хизматлар бўлими ёки психиатрия бўлими кассаси/рўйхатхонаси сизга пасайтирилган нархларда тиббий хизмат кўрсатилиши бўйича қилган аризангизнинг тасдиқланганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида сизга ёзма равишда хабар беради. Агар аризангиз тасдиқланган бўлса, сизга пасайтирилган нархларнинг миқдори ҳақида хабар берадилар ва қайтадан кўриб чиқилган харажатларни тўлаш бўйича хужжатни юборадилар.

Агар аризам рад этилган бўлса нима бўлади?

Агар аризангиз рад этилган бўлса, хабар келганидан бошлаб 30 кун ичida қилинган қарорни қайтадан кўриб чиқишлиарини талаб қилиш хукуқига эгасиз. Руҳий саломатлик юзасидан қатнаб даволаниш хизматларидан

бошқа хизматлар бўйича молия катта вице-президенти (молиявий хизматлар) қайтадан кўриб чиқиши масаласини ҳал қилади. Қайтадан кўриб чиқиши талаби молия ишлари бўйича катта вице-президентига (молиявий хизматлар) ёзма равишда (ёки шахсан ташриф буюрган ҳолда, белгиланган учрашув орқали) қуйидаги манзил орқали қилиниши лозим:

**983 48th Street,
Brooklyn, NY, 11219
718- 283-7790**

Руҳий саломатлик юзасидан қатнаб даволаниш хизматлари бўйича қайта кўриб чиқиши талабларини харажатни қоплаш директори ҳал этади. Қайтадан кўриб чиқиши талаби харажатни қоплаш директорига ёзма равишда (ёки шахсан ташриф буюрган ҳолда, белгиланган учрашув орқали) қуйидаги манзил орқали қилиниши лозим:

**4802 Tenth Avenue
Brooklyn, NY, 11219
718-283-3900**

Агар аризангиз рад этилса, кўрсатилган тиббий хизматлар бўйича молиявий мажбуриятни эътироф этган ҳолда, маъқул келадиган ва адолатли тўлов режасини тузишда сиз билан бирга ишлаймиз.

Агар аризам тасдиқланса ва менга қўшимча даволаниш зарур бўлса, нима бўлади?

Чегирмаланган нархларда тиббий хизмат кўрсатишга лойиқлик бир йилгача амал қилади ва шу муддатдан сўнг лойиқлик масаласи яна қайтадан кўриб чиқилиши лозим.

**Оддий тилда ёзилган қисқача маълумот
(З-бет)**

**Агар аризам тасдиқланса ва мен тўлашим
керак бўлган пулни бўлиб-бўлиб тўлаши
хоҳласам, нима бўлади?**

Молиявий ёрдам олаётган беморлар пулни
бўлиб-бўлиб тўлашни ташкиллаштириш
борасида молиявий маслаҳатчидан илтимос
қилишлари мумкин.

**Руҳий ҳолатга ва меҳрибонлик кўрсатиш
марказларига оид хизматлар молиявий ёрдам
кўрсатиш режасига киритилганми?**

Меҳрибонлик кўрсатиш марказларига оид
хизматлари киритилмаган. Маймонидес тиббий
марказида ётиб даволанувчи руҳий bemorlariga
kўrsatiladigan xizmatlar kiritilgan, ammo
ruhij salomatlik yozasidan qatnab даволаниш
bўyicha kўrsatiladigan xizmatlariga aloxiда
molияvий ёrdam dasturi mavjud, unga
dorilarning recepti ham kiradi. Agar ruhij
salomatlik yozasidan qatnab даволаниш bўyicha
kўrsatiladigan xizmatlar учун molияvий ёrdam
xaqida kўproq maъlumot olishni istasanqiz,
psixiatriya bўyicha molияvий iшлар direktoriiga
718-283-8144 telefon raқами orқали қўngiroq
қилиshingizni iltimos қilamiz.

**Сизнинг molияvий ёrdam kўrсatiш режангиз
bўyicha laboratoriya testlarini olsam
bўladimi?**

Agar loyiqlik bўyicha boшқа mezonlarga tўғri
kelсангиз, pasaytiyilgan narxlari Maymonides
tiбbий марказида kўrsatilgan, tiбbий tarafdan
zarur bўлган laboratoriya testlari, rentgen va
boшқа kўshimcha xizmatlar учун mavjud
xisoblanadi.

**Агар мен молиявий ёрдамни олсан, ушбу
маълумот оммага ошкор қилинадими?**

Аризангизда берган барча маълумотлар сир
сақланади.

**Агар қандайдир қўшимча
savollaringiz bўлса, молиявий
хизматлар бўlimiga қўngiroq
қилиshingizni iltimos қilamiz**

718-283-7790